

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 май куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Анни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари ушбу ташриф мунтазамлик касб этган олий даражадаги самарали мулоқотларнинг мантйқий давоми бўлиб, ўзаро савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий, маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилишни таъкидлади.

Президент Пак Кин Хэнинг 2014 йил июни ойида Ўзбекистон Республикаси ва Президент Ислам Каримовнинг 2015 йил май ойида Корея Республикасида давлат ташрифлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги bosқичга кўтарди. Ташрифлар якунига кўра юздан ортиқ ҳужжат, жумладан, умумий қиймати 9,5 миллиард АҚШ долларидан зиёд савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорлик ҳақидаги битимлар имзолангани бунинг тасдиғидир.

Корея Республикаси мамлакатимизнинг асосий инвестициявий ва технологик ҳамкоридир. Жанубий Кореянинг «Хундай», «Самсунг», «Эл-Жи», «ЖиЭм-Корея», Корея газ корпорацияси, «Лотте Кемикал», «ЖиЭс», «Поско-Дэу», «Кореан Эйр», «Шингдонг», «Колон» каби етакчи компаниялари кўп йиллардан бўён Ўзбекистон билан ҳамкорликда мамлакатимизда қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Корея Республикасининг мамлака-

тимиз иқтисодиётига киритган тўғридан-тўғри инвестициялари 7 миллиард доллардан ошди. Ўзбекистонда Жанубий Корея инвестицияси иштирокида ташкил қилинган 449 корхона фаолият юритмоқда, 79 компаниясининг ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Корея Республикаси Бош вазирининг ташрифи муҳим воқеа — Сурғил қони негизда Устюрт газ-кимё мажмуаси курилишининг яқинлашиши ва унинг ишга туширилишига тўғри келгани янада аҳамиятлидир. «Самсунг Инжиниринг», «Хундай Инжиниринг» ва «ЖиЭс» компанияларини жалб этган ҳолда, Корея газ корпорацияси ва «Лотте Кемикал» компанияси таркибидagi Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари консорциуми билан ҳамкорликда амалга оширилган қиймати 4 миллиард долларга тенг ушбу лойиҳа Ўзбекистон — Жанубий Корея инвестициявий ҳамкорлигининг яққол намунаси.

Муваффақиятли инвестициявий ҳамкорликка доир яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик соҳаларида, янги турдаги курилиш ва пардозлаш материаллари, юқори самарали фармацевтика препаратлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қатор муҳим қўшма лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларидан ҳам биридир. 2015 йил якунига бўйича икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси 1,7 миллиард доллардан ошди. Айни пайтда Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида Жанубий Кореянинг муҳим савдо шеригидир. Корея Республикасининг минтақамиз давлатлари билан савдо айланмасининг ярмидан кўпи мамлакатимиз ҳиссасига тўғри келади.

Урашув чоғида нефть-газ соҳаси, транспорт инфратузилмаси, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича истиқболли инвестициявий лойиҳаларни биргаликда тайёрлаш ва амалга оширишга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар кимё, озиқ-овқат, фармацевтика, машинасозлик саноати ва бошқа соҳаларда янги корхоналар ташкил этиш, Ўзбекистонда давлат корхоналари ва активларини хусусийлаштириш жараёнида Жанубий Кореялик инвесторлар иштирокини кенгайтириш масалаларини ҳам кўриб чиқдилар.

Хван Гё Ан самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро манфаатли ва кенг қўламли савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ҳамда молиявий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎЗА

## ҲАМКОРЛИК ЮКСАК СУРЪАТЛАРДА РИВОЖЛАНМОҚДА

**Тошкент шаҳрида 20 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Аннинг учрашуви бўлиб ўтди.**

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, ўзаро ҳамкорлик кўлами барча соҳаларда кенгайиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиларганини ривожлантириш бўйича истиқболли инвестициявий лойиҳаларни биргаликда тайёрлаш ва амалга оширишга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар кимё, озиқ-овқат, фармацевтика, машинасозлик саноати ва бошқа соҳаларда янги корхоналар ташкил этиш, Ўзбекистонда давлат корхоналари ва активларини хусусийлаштириш жараёнида Жанубий Кореялик инвесторлар иштирокини кенгайтириш масалаларини ҳам кўриб чиқдилар.

Хван Гё Ан самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро манфаатли ва кенг қўламли савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ҳамда молиявий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Икки давлат ўртасида савдо алоқалари борасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган савдо, инвестициялар-

ни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилишга оид битимлар савдо-иқтисодий алоқалар ривожига хизмат қилмоқда.

Музокарада Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни янги мазмун билан бойитиш, мамлакатларимиз ишбилармон доираларининг мулоқоти ва қўшма лойиҳаларини қўллаб-қувватлашдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани таъкидланди. Сурғил қони негизда бунёд этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорлигининг ёрқин намунаси.

Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Ан Жанубий Кореяда Ўзбекистон билан муносабатларни кенгайтиришга устувор йўналиш сифатида қаралишини алоҳида қайд этди.

Ўзрашувда Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболга оид кенг қўламли масалалар муҳокама қилинди. Томонлар ўзаро савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкор-

ликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва Хван Гё Аннинг Тошкентда Корея маданияти ва санъати уйи курилиши ишларининг бошланишига бағишланган маросимда иштирок этди.

Мазкур даргоҳ мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик алоқаларини асраб-авайлаши, бойитиш ҳамда келгуси авлодларга етказиш учун кенг имкониятлар яратилган. Корея миллати вакиллари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этмоқда. Уларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида, маҳаллий Кореяларда, бошқарув органларида, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият юритаётгани, истиқлол йилларида 300 нафарга яқин мамлакатимиз давлат мукофотларига сазовор бўлгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ў(2).

Давра суҳбати

### Меҳнат соҳасида жамоатчилик назорати

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамкорлигида «Меҳнат соҳасида жамоатчилик назоратини такомиллаштириш истиқболлари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, қўмита эксперт кенгаши аъзолари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Савдо-саноат палатаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, касба уюшма фаоллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмини яратишда муҳим қадам бўлди. 2014 йилда Конституциямизга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ Ўзбекистонда жамоатчилик назорати институти конституциявий мақомага эга бўлди. Бу эса, ўз навбатида, жамоатчилик назорати борасида махсус қонунни қабул қилиш учун ҳуқуқий замин яратди.

Ў(2).

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдида

Марказий Осиёда ягона бўлган Қашқадарё вилоятидаги «Деҳқонobod калийли ўғитлар заводи» унитар корхонаси йилига 620 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.



### Иқтисодий тараққиётимиз намунаси

Калийли ўғитлар ишлаб чиқариш учун асосий хомашё бўлган сильвинит маъдани Терақтон тоғ-кон мажмуасидан казиб олинади. Ушбу мажмуадан олинган хомашё жаҳондаги барча сильвинит захиралари орасида ўзининг калий хлорга бойлиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда тоғ-кон мажмуасидан сильвинит маъданини корхонага ташиб келтириш учун мўлжалланган осма арқон

йўли курилиш ишлари олиб борилмоқда. 32 километрлик ушбу осма арқон йўли ишлаб чиқариш харажатларини сезиларли даражада камайтириш имконини беради.

Маҳсулотлари жаҳоннинг 15 дан зиёд давлатига экспорт қилинаётган корхонада 1 минг 900 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Корхонанинг Ишчилар шаҳарчасида 210 дан ортиқ замонавий тураржойлар қад ростлаган бўлиб, бу ерда ишчи-

ҳодимлар ўз оилалари билан истиқомат қилади.

Корхонада амалга оширилган ободонлаштириш ишлари самарасида 22 гектар ер кўкаламзорлаштирилди, 13 гектар майдонда «Мустақиллик» боғи барпо этилди.

ЎЗА фотомуҳбири  
Жамшид НОРҚОБИЛОВ  
олган сурат

Касба уюшмалари: соғлом бола, соғлом жамият учун

Бухорода Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ўртасида «Соғлом она ва бола» шiori остида оилавий спорт мусобақаларининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри-

### Ҳам мусобақа, ҳам саёҳат

да ташкил этилган мусобақаларда голибликка эришган 16 та жамоа куч синашди. Беллашувда ходимлар ва уларнинг 7 ёшдан 10 ёшгача бўлган фарзандлари маҳоратларини синовдан ўтказишди.

Икки кун давом этган оммавий спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросими «Бухоро» спорт мажмуасида ўтказилди. Унда тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Асрор Эшонқужаев

сўзга чиқиб, тadbир иштирокчиларини муборакбод этди. Бухоролик маҳоратли ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқishi тadbирга ўзгача файз киритди.

Ў(4).



Ахборот

### ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИГА БАФИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) раислиги доирасида жорий йилнинг 23-24 май кунлари Тошкент шаҳрида ушбу ташкилотга аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирилари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Шу муносабат билан пойтахтимизда мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари А.Носиров журналистларга ушбу мажлисга тайёргарлик жараёни, йиғилиш кун тартиби, муҳокама этилаётган масалалар ҳақида маълумот берди.

ШХТ фаолиятида ташқи ишлар вазирилари кенгаши алоҳида ўрин тутди. Ушбу кенгаш ШХТ органлари қарорлари ижросини ва умумий мувофиқлаштиришни таъминловчи марказий бўлин ҳисобланиб, ташкилот доирасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича турли йўналишларда тақлифлар киритади.

Таъкидланганидек, мажлисда ташқи сиёсат мақамалари раҳбарлари томонидан шу йил июни ойида Тошкентда ўтаётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши ишларининг кун тартиби лойиҳаси, саммитда имзоланиши мустаҳкамлаш бўйича турли йўналишларда тақлифлар киритади.

Ташкилот доирасини кенгайтиришда ШХТ фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мўлжалланмоқда. Ташқи ишлар вазирилари йиғилишида Хиндистон ва Покистонни ШХТга аъзоликка қабул қилиш бўйича ушбу давлатларнинг ваколатли вакиллари билан олиб борилаётган музокара жараёни кўриб чиқилади.

Мажлисда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ШХТни бошқа халқаро тузилмалар билан алоқаларини кенгайтириш, ШХТнинг қузатувчи давлатлари ва мулоқот бўйича шерикларини ташкилот доирасида амалий ҳамкорликка кенг жалб этиш масалалари муҳокама қилинади.

Ташқи ишлар вазирилари йиғилишида тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш соҳасида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти олдида турган вазифалар, ШХТга аъзо давлатларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирларни қабул қилиш, маданий ва иқтисодий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилиши қўйилмоқда.

Ирода УМАРОВА,  
ЎЗА муҳбири

Ўқув-семинар

Ижтимоий ҳимоя кафолати

Каттакўрғон туманида агросаноат мажмуи тизимида фаолият юритаётган касаб...

Унда тармоқ ташкилотларида касаб уюшмасининг ўзига хос ўрни бўлмоғи зарурлиги қайд этилди.

Семинарда иштирок этган тармоқ касаб уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Т.Бозоров йиғилганларга бу йўналишдаги ибратли ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Ўз мухбиримиз

Бухоро вилояти Ромитан туманидаги «Ромитан» ҚФЙ фермер хўжаликлари бирлашган касаб уюшмасида «Фермер хўжалиқларини касаб уюшмасига қабул қилиш тизими, уларда жамоа шартномалари тузилишини такомиллаштириш масалалари» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

Семинар тармоқ Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Абдусалом Раҳмонов очар экан, галдаги вазифалар тўғрисида батафсил тўхтади.

Тадбирда сўзга чиққанлар аграр соҳа ходимларига гамхўрлик кўрсатишни янада яхшилаш, бошланғич ташкилотлар сони ва салмоғини ошириш, ҳисоб-китоб ишларини қонун талаби даражасида ташкил этиш, белгиланган режалар бажарилишига масъулият билан ёндашиш каби муҳим жиҳатлар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Семинарда тармоқ касаб уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Т.Бозоров қатнашди ва тармоқ олдига турган долзарб вазифалар ҳақида батафсил тўхтади.

Изаатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Янгиобод агроиқтисодий касб-хўнаар коллежид бўлиб ўтган ўқув-семинар ёшларнинг меҳнат қонунчилигига доир билимларини оширишга қаратилди.

Жиззах вилоят касаб уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, вилоят адлия, меҳнат бошқармаларининг қўшма қарорига асосан тасдиқланган режа-жадвалга асосан ёш ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, Президентимизнинг тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги Фармон ва Қарорлари мазмун-моҳиятини тушуниришга қаратилган мазкур тадбир иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири Э.Умурзоқов, вилоят меҳнат бошқармаси давлат меҳнат ҳуқуқий инспекцияси бошлиғи Ж.Эшонқулловнинг маърузалари тингланди.

Иштирокчиларга касаб уюшмалари фаолияти, аъзоллик афзалликлари, тадбиркорликни юритиш учун ёшларга берилаётган қарол ва афзалликларнинг тарғиб этувчи тарқатма материаллар тақдим этилди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

ҲАМКОРЛИК ЮКСАК СУРЪАТЛАРДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Ў(1).

2017 йилда қуриб битказилиши мўлжалланаётган Корейс маданияти ва санъати уйи корейс халқининг бой маданияти ва ўзига хос санъати, урф-одатлари ва анъаналарини сақлаш ва тарғиб қилиш учун қулай замин яратади.

— Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Тошкентда Корейс маданияти ва санъати уйи барпо этилиши мамлакатингизда корейс миллатига мансуб фуқароларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва гамхўрликнинг ёрқин ифодасидир, — деди Корейя Республикаси Бош вазири Хван Гё Ан. — Мамлакатларимиз жўғрофий жиҳатдан бир-биридан узоқ бўлса-да, маданиятимиз ва анъаналаримиз ўхшаш, халқларимизнинг фазилатлари ва мақсадлари муштарак. Жанубий Корейя билан Ўзбекистон ўртасида 1992 йилда дипломатик алоқалар ўрнатилганидан сўнг қисқа фурсатда икки томонлама муносабатлар стратегик ҳамкорликнинг юксак даражасига кўтарилгани бизни жуда қувонтиради.

Мазкур даргоҳ ўзбек ва корейс халқларининг ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш баробарида мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларнинг изчил ривожланишида ҳам катта аҳамият касб этади.

Корейя Республикаси Бош вазири Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонидаги ташриф бўйриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Юксак мартабали меҳмон Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ушбу муаззам майдонда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юқори баҳо берди.

Хван Гё Ан Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатлар билан танишди.

ЎЗА

2016 йил — Соғлом она ва бола йили



Оналарга қувонч улашиб

Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ишлар юксак самаралар бермоқда. Бунини Сурхондарё вилояти перинатал маркази фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Марказнинг моддий-техник базаси

мустаҳкамлангани оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ишларини самарали ташкил этиш, тиббий хизмат сифатини янада яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Тўғруқ, чақалоклар патологияси ва реанимацияси ва бошқа бўлимлар мукамал таъмирланди. Лаборатория, сте-

ризация, ички дорихона ва кирхоналар учун янги бинолар қурилди.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган марказ акушерлик, гинекология ва перинатология бўйича координацион ва ихтисослаштирилган хизматлар кўрсатиб келмоқда.

СУРАТДА: Сурхондарё вилояти перинатал марказида.

ЎЗА фотомухбири Фарход АБДУРАСУЛОВ олган сурат

«Оналари соғлом — болалари баркамол Ватан!» республика танловига

Балиқчининг бахтли болалари

ҳеч кимдан кам эмаслигини бутун дунёга кўрсатишмоқда

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси ҳақида сўхбатлашарканмиз, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб уюшмаси Балиқчи туман кенгаши раисаси Мавжудaxon Абдуллаева тўлқинлиби гапирга кетди:

— Эсингизда бўлса, Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги тантанасида сўзлаган маърузасида шундай деган эди: «Соғлом авлоднинг вояга етказиш борасида болаларимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг омаллаштириш, шу мақсадда янги спорт объектларини қуриш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби вазифаларни кун тартибига қўйиш зарурлиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб уйлайман... Энг муҳими, «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади», деган ҳаётбахш ғоя ҳар бир юртдошимизнинг қалбига чуқур қариб бориши, ана шу улғу ишга муносиб ҳисса қўйиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозим». Мана шу пурмаъно сўзларни ҳаётнинг мазмунига айлантира олган кишилар, ёшлар туманимизда кўпла топилди.

Биз қаерга бормайлик, раиса тўғри айтганини юракдан ҳис этдик. Кўрганларимиз, олган таассуротларимизни эса Сизга ҳам илинмоқчимиз.

Миннатдорлик

Етти фарзанднинг онасиман. Уларни эл-юртга фойдаси тегадиган инсонлар этиб тарбиялашга ҳаракат қилганман. Ҳозирда маҳалла маслаҳатчиси бўлиб ишламан.

Соғлигимни мустаҳкамлаб қайтдим

Ишимиз боис ҳар куни хонадонма-хонадон юриб, уларнинг оилавий шароити билан танишамиз, томорқадан самарали фойдаланиш бўйича тарғибот-ташвиқот олиб борамиз. Шундай кунларнинг бирида касаб уюшмаларидан қўнғирқоқ қилиб қолишди. Хоразм вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси ижтимоий сугурта бўлими мудири О.Исмоиловнинг айтишича, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, кўп болали оилалар ҳамда олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб клим шароитида яшовчи оила аъзолари бепул соғломлаштирилаётган экан. Менга ҳам «Бўстон» санаторийсига бепул йўлланма ажратилди. Хушхабардан бошим осмонга етди.

Тўғриси, санаторийда биринчи марта даволанишм. «Бўстон» санаторийсига яратилган шароитлар, ишчи-хотимларнинг ширинсўзлиги кишининг ҳавасини келтиради.

Касаб уюшмалари томонидан кўрсатилган эътибор ва гамхўрликдан бениҳоя мамнун бўлдим.

Зулфия САЪДУЛЛАЕВА, Бөгот тумани Ўғизработ қишлоғи

Меҳнат соҳасида жамоатчилик назорати

Ў(1).

Тадбир иштирокчилари жамоатчилик назоратининг субъекти, объекти, шакллари ва бошқа муҳим жиҳатларини белгилаб берувчи «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси билан таништирилиб, лойиҳанинг асосий қондалари ишчи тартибда муҳокама этилди.

Меҳнат соҳасидаги жамоатчилик назоратида касаб уюшмалари алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда мамлакатимизда ходимларнинг касаб уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи кафолатланиб, касаб уюшмаларининг ҳуқуқий мақоми миллий қонунчилигимизда мустаҳкамланган. «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни касаб уюшмаларининг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, иш берувчи билан жамоа музокараларини ўтказишда устувор ҳуқуққа эга бўлиш, меҳнат ва касаб уюшмалари тўғрисидаги қонунчилик талаблари, жамоа шартнома ва келишувлари бажарилишини назорат қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этишга доир ҳуқуқларини кафолатлайди.

Касаб уюшмалари томонидан ҳар йили республика ва маҳаллий даражада Хўкумат, вазирилик ва идоралар, турли ННТ ва касаб уюшма фаоллари иштирокида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Меҳнат соҳасида муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусидаги давра сўхбатлари жамоатчилик эшитувининг самарали шаклларида бирга айланди.

Шунингдек, давра сўхбатларида мамлакатимизда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари, ушбу соҳада тўпланган миллий ва хорижий тажриба муҳокама қилинди.

Тадбир якунида давра сўхбати иштирокчилари томонидан «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Кўрик-танлов

Республика босқичи ғолиблари аниқланди

Жиззах вилоятида ўрта махсус, касб-хўнаар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Меҳнат ҳуқуқи билимдони» танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг 11-13 май кунлари Галлаорол, Дўстлик ҳамда Зомин туманларидаги ўрта махсус, касб-хўнаар таълими муассасаларида жами 36 нафар ўқувчининг меҳнат муносабатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар борасидаги билими синовдан ўтказилди. Натижада, улардан 3 нафари республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Жумладан, Галлаорол ижтимоий-иқтисодий касб-хўнаар коллежи 2-курс ўқувчиси Акмалбек Исмаилов ва Зомин агросаноат касб-хўнаар коллежи 2-курс

ўқувчиси Нурбек Усмонов III даражали диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Меҳнат ҳуқуқи бўйича ташкил этилган ушбу танлов нафақат ўрта махсус, касб-хўнаар таълими муассасалари ўқувчи-ёшларида, балки муассаса раҳбарияти ҳамда ўқитувчиларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Шавкат ҲАМРОҚУЛОВ, Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгашининг бош юристконсулти



ОҚҚЎРҒОНЛИК СПОРТЧИ АЁЛЛАР

ташаббуси тобора қанот ёймоқда

Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Оққўрғон» маҳалласига бориб қолган киши тонг сахардан кўчани тўлдириб югураётган аёлларни учратади. Уларнинг орасида қайвони момолар, турли соҳаларда ишловчилар ҳамда уй бекалари бор. Спортчи аёлларнинг сардори Нодирахон Имомова бу йил етмиш ёшга тўлди. Бу ғуруҳ етти йил муқаддам унинг ташаббуси билан шаклланди. У 12 ёшдан велосипед минниши қанда қилмайд.

— Дастлаб тўққиз аёл шугулланишни бошладик, — дейди ая. — Аввалига, устимиздан қулганлар ҳам бўлди. Кейинчалик тушуниб қолишди. Айримлари сафимизга ҳам қўшилди. Ахир, спорт билан дўстлашишнинг нимаси ёмон?..

Нодирахон ая спортнинг фойдасини яхши тушунади. У узоқ йиллар туман марказий поликлиникасида ҳамшира бўлиб ишлаб, пенсияга чиққан. Унинг чақирисига, аввало, ўқитувчи Муюссархон Қодирова, тарбиячи Хадичахон Содиқова, уй бекалари Насибхон Мамадалиева, Ҳафизахон Мўйдинова, Гулчехра Қодировалар «лаббай» деб жавоб беришди.

Айни пайтда ғуруҳда 63 нафар хотин-қиз шугулланяпти. 20 нафари велосипедчилардир. Аёллар маҳалладаги спорт залида кўшни кутиб оладилар. Икки-икки ярим соат мобайнида мунтазам югуриш, гимнастика, қўнғирқоқ спортлари уйинлари, муслик гимнастрада ва вoleyбол билан машғул бўлишади. Езда эса ҳафтагиса уч марта сузиш маҳоратини ўрганишади. Ҳафтада икки марта велосипога ўтказилади. Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Муқаддамхон Турғунова уларга устозлик қилмоқда. У 25 йилдан бўён вoleyбол мураббийи бўлиб ишлайди. «Отам, онам ва мен — спортчи оиламиз» мусобақаларининг вилоят ва республика босқичлари ғолиби бўлган.

— Улар спорт билан дўстлашиб, саломатлигини яхшилаш билан бирга, муваффақиятларга ҳам эришиш-

япти, — дейди «Оққўрғон» МФЙ диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Санобархон Бобометова. — Ҳар йили ўтказиладиган аёллар мусобақаларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Туман ва вилоят бўйича аёллар «Қувонч стартлар» беллашуварларида маҳалла аёлларининг олдига тушадиган топилмайд.

Ушбу ташаббус эндиликда туманнинг бошқа ҳудудларига ҳам ёйилмоқда. Айни пайтда Бўстон, Балиқчи, Урмонбек қишлоқ фуқаролар йиғинларида яшовчи хотин-қизлар спортнинг бир неча турлари билан шугулланаёттир. Ахир, ташаббуснинг қаноти бор, дейдилар-ку!

ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАДИ

Тумандаги 8-умумтаълим мактабида 544 нафар бола ўқийди. Ҳар бири спорт, санъат ёки касб-хўнаар тўғрақларига банд. Ўқувчиларнинг бўш вақти деярли йўқ ҳисоби. Спортнинг ўзбек жанг санъати, бокс, стол тенниси, вoleyбол, футбол, оғир атлетика, шахмат-шашка турларига қизиқувчилар салкам 200 нафарга етади. Шундан 150 га яқини қизлардир.

— Ҳозирдаёқ ўз «юлдузларимиз» пайдо бўлди, — дея фахр билан сўзлайди директор Гўзалхон Тошбоева. — 7-синф ўқувчиси Шохрўқ Акбаров ўзбек жанг санъатидан яқинда ўтказилган республика мусобақасида 2-ўринни эгаллади. Худди шундай турнирда боксчимиз, 8-синф

Тарих тилга кирганда



# Кўйқирилганқалъа – астрономия бешиги

## «ТУХУМ МИСОЛ ЮМАЛОҚ ЕР» ҲАҚИДА «АВЕСТО»ДА АЙТИЛГАНМИ?

### ХОДАРКОТ

Хар бир халқ қадим аждодлари турмуш ва маданиятини, татариҳни ўрганиш орқали билиб олади. Археологик, этнографик, лингвистик илмий манбалар, айниқса, маънавийтаълимнинг илк ёзма мероси — «Авесто»га асосланиб сўз юритсак, Ўзбекистон замини энг қадимий цивилизация ўқоқларидан бири эканига амин бўламиз.

Қадимги Хоразмнинг Калтаминор, Тозабоб, Амробо, Суверган, Қамишли, Кердар ва Чурук маданиятларига доир ёдгорликлари юртимизнинг бой тарихидан дарак беради. Сахро бағрида мағрур бўй ҷўзиб турган Ходаркот — Кўйқирилганқалъа ҳам олис ўтмиш сирини ўз бағрида яшириб ётибди. Хоразм воҳаси, ҳозирги Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл тумани Калтаминор қишлоғи ҳудудида жойлашган афсонавий Кўйқирилганқалъа(асли номи Ходаркотнинг юртимиз қадимги давр тарихини ўрганишда аҳамияти беқиёсдир. Бу қалъа 1951 — 1957 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий академиги С.Толстов, академик Я.Ғуломов, профессор И.Жабборов ва бошқа тарихчи археолог олимлар томонидан ўрганилган.

Кўйқирилганқалъа муқаммал лойиҳа асосида, Хоразм мезморий услубида лойиҳа ва хом ғишдан қурилган. Қалъа доира шаклида, уч қатор девор билан ўралган бўлиб, унинг марказий арки ибодатхона ва астрономик расадхонадан таркиб топган. Унинг қурилиш ва мезморийлик услуби, деворий ганҷори, ўйма ва бўртма нақшлари нафақат бизни, ҳатто жаҳоннинг етуқ олимларини ҳам ҳайратлантирмакда. Чунки, унга юқоридан қарасангиз, худди Кўёш тасвирлангандек туюлади. Айлана девор бўйлаб жойлашган, девордан бўртиб чиққан 9 минора 9 самовий бурж йўналишига монанд жойлашган. Демак, Кўйқирилганқалъа — самовий ва табиат қўниятларини яхши билган қадим аждодларнинг юксак саноҳиятини ўзида намоён этувчи ёдгорликдир.

Археолог Ю.Рапопортнинг айтишича, қалъанинг шарқий томони куёш йили Митра, ғарбий томони сув ва ҳосилдорлик илоҳаси Анахита шарафига қурилган. Шарқий томони Сиёв-фига аталган, деган фикр ҳам бор. Ғарбий қисмдан Анахита, шарқий қисмдан Сиёв тасвирланган ҳайкалчалар, сопол буюмларнинг топилиши археологларнинг шундай фикрга қелишига сабаб бўлган. Қалъанинг кўринишида ердаги ҳаётнинг куёшга абадий боғлиқ экани, шунингдек, нур ҳаёт манбаи экани ўз ифодасини топган.


С.Толстов муҳарриригида нашр этилган «Кой-қрылган-кала» китобида кўрсатилганидек, Ходаркот-Кўйқирилганқалъа диний маросимлар ўтказиладиган муқаддас маскан, оташпарастларнинг бош ибодатхонаси бўлган. Бу ибодатхона Марказий Осиё, Яқин ва Урта Шарқ халқлари учун муқаддас зиёратгоҳ бўлган. Ибодатхона олдида сув ва ҳосилдорлик илоҳаси Анахитанинг баланд ҳайкали турган. Бундан ташқари, барча қалъалардагидек оташхоналар бўлган. Мазкур жойларда оташпарастларнинг ибодат қиладиган, турли маросимлар ўтказиладиган, ёшларга таълим-тарбия бериладиган, беморларни даволайдиган хоналари, тахрибахона ва дорихоналари фаолият кўрсатган. Текширувлар Кўйқирилганқалъанинг милоддан аввалги икки минг йиллик ўрталарида, балки ундан ҳам эртароқ жаҳонда дастлабки илм-фан, маданият, мезморийлик, хунармандчилик, савдо-сотиқ марказларидан бири бўлганини кўрсатиб турибди.

Бу қалъанинг жанубида ундан-да қадимийроқ қалъа бўлган. Унинг ер билан текис бўлиб қолган бири қисми ҳозир ҳам бор.

### ТАҲРИРЛАНГАН ҲУМИШ

«Кой-қрылган-кала» китобида яна шундай муҳим маълумот бор: «Хоразмда мил. ав. II минг йиллик охиридаги ирригация тез ривожланган. Табиийки, бошқа ер эгаллиги давлатлари каби Хоразм давлатида ҳам зироатчилик билан бир қаторда астрономия ҳам ривожланган». Демак, Кўйқирилганқалъа ва ундаги астрономик расадхона мил. ав. IV асрда эмас, мил. ав. II минг йиллик охирида, балки ундан кўп асрлар аввал барпо этилган айтимокда. «Авесто» китобидagi тарих ва астрономияга доир маълумотлар билан Кўйқирилганқалъадан жез ёй ўқининг уни топилиши, расадхона бўлганини таққосласак, бу қалъа жез даврида қурилган, дейиш мумкин. Бу маълумотдан тарихимиз учун яна бир муҳим хулоса келиб чиқмоқда. Яъни, бизнинг заминимизда мил. ав. II минг йиллик охирида эмас, балки ундан кўп асрлар аввал ер эгаллиги ҳўжалиги бўлиб, аждодлар турмуши, ижтимоий ҳаёти янги босқичга ўтганлиги аниқлашди.

Шу ўринда мени юртимиз тарихининг қадимийлигини ўрганишга ундаган бир воқеани эслашга тўри келади. 1989 йили олим О.Доспанов билан Москвага, Миклухо-Маклай номи Этнография институтига борганимизда, қадимий Хоразм тарихи билан шуғулланган археологик-этнографик экспедициянинг қатнашчилари — 8 фан доктори, 2 фан номзоди иштирокида давра суҳбати ўтказилган. Унда юртимиздаги беҳисоб тарихий ёдгорликларнинг қадимийлиги, ҳозир-



ги Ўзбекистон заминининг жаҳонда илк илм-фан ва юксак маданият, кўркам мезморийлик маркази бўлгани, илмий китобларда ёзилмаган маълумотлар ҳақида эшитдик. Давра суҳбати охирида тарих фанлари доктори Е.Е.Неразик:

— Самандар, севга бир гапни айтиб қўймоқчиман. Биз урушдан олдин Тупроққалъада бўлганимизда, қалъа деворининг кўп жойида устки шинаклар йўри бор эди. Шинаклар Москвадаги Кремл (1147 йил) деворига айнан ўхшаш эди. Кремл девори лойиҳаси Тупроққалъадан олинган бўлиши мумкин. Туманингиз тарих музейидаги Тупроққалъа макетини асл кўринишида қайта ишлаб қўйинглр, — деди.

Шунда мен: — Езан китобларингизда қалъаларнинг қурилган даврини ҳам тўғри кўрсатмаган бўлсангиз керак? — дедим. — Тўғри айтаяпсан, бунинг сабабини ўзинг ҳам яхши биласан. Тўғриини ёзасак, «юқоридагилар» (سوبик Иттифоқ раҳбарлари) бизларни юртимизга юборишмас ва китобларимиз ҳам чиқарилмас эди, — дея жавоб берди.

Москвага шу борганимизда, юртимиздан олиб кетилган номзод археолог кўёш календарининг 20 контейнерини Қорақалпоғистон санъат музейига қайтариб олиб келдик.

«Кой-қрылган-кала» китобида сопол идиш бўлағидаги энг қадимги Хоразм ёзуви мива. ав. III-II асрларга тегишли оромий ёзуви деб кўрсатилган. Ваҳоланки, мил. ав. II минг йиллик охирида, балки ундан кўп аср аввал худди шу алифбода ёзилган «Авесто» китобида булар ҳақида батафсил маълумотлар бор. Кўрииб турибдики, Кўйқирилганқалъанинг қурилган даври ва ёзувнинг пайдо бўлган даври 1000 йилдан ҳам кўп орқага суриб кўрсатилган. Авесто ёзувининг, яъни порсоча қадимги Хоразм ёзувининг оромий ёзув сифатида Европага ёйилганини европалик олимларнинг ўзлари тан олаётганидан бугун хабардоримиз.

### ЯШТАДАГИ КАШФИЁТ

«Авесто» китобининг «Яшт» наскида ҳатто олимларни ҳайратлантирадиган шундай сўзлар бор:

*Митрага топинурмиз,  
Ер эзини кучиб ўттич,  
Кўёш ботган чоғида,  
кенг Ернинг икки четин,  
Тухум мисол юмалоқ  
Ер четларин қамраб ўттич,  
Само-ю Ер аро неки бор,  
барин кўргич,  
Ерни ўраган само,  
юлдуз қадаб безалган.  
Азалдин руҳдан пайдо,  
либосдир Маздаҳ кийган.  
Этагининг четларин кўрмас  
кимса ҳеч қачон.*

Ернинг тухум мисол юмалоқ экани, ҳатто самонинг чексизлиги ҳақида билганимиздан камиди икки минг йиллар олдин айтилган бу сўзлардан тўғри хулоса чиқариш қийин эмас. Демак, аждодларимиз «Авесто» китоби яратилмасдан кўп асрлар аввал самовий ёриткичларнинг ер, ҳаёт, табиат, иқлим, сув, об-ҳаво, экология билан яқин боғлиқлигини, бир-бирига ўзаро қучли таъсири борлигини, уларнинг ҳолати ва ҳаракатланганини яхши билганлар.

Хиндистонлик Арийабхата V асрда ернинг юмалоқ эканини айтган бўлса, италиялик олим Галилео Галилей 1610 йилга келиб аждодларимиздан камиди 2,5 минг йил кейин Тиштар — Сириус юлдузининг халқали эканини аниқлаган ва ўзинг кiritган.

### КўХНА ТАКВИМ

Кўйқирилганқалъада расадхона бўлганига асосланиб, Абу Райхон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида кўхна Хоразм кўёш календарини шу илмий дароғҳда фаолият олиб борган олимлар фикри асосида яратган, деган хулосага келсак тўғри бўлади. Бу календар Сатурн («Авесто»да Кейван) юлдузининг куёш атрофида 32 йилда бир марта айланишига асосланиб яратилган. Бир йилда 365 кун, 12 ой ва ҳар ой 30 кундан иборат. Йил ибтидоси 21-22 мартдан бошланган. Йилнинг худди шу вақтида тунда самовда халқали Тиштар — Сириус юл-

дузи кўрина бошлайди. Бу юлдуз қанчалик чарогон кўрина бошласа, шу йили Фароғ Карт — Амударёда сувнинг сероб бўлиши, яйловларда ўтулган, экинзорларда ҳосил мўл бўлишини яхши билганлар.

«Авесто» асосида ёзилган «Бундахиш» китобида: «Хуршид (Кўёш) 7 қават осмоннинг 5-поясига жойлашган», деб кўрсатилган. Демак, бугун Оламда 7-Кўёш тизимида беҳисоб сайёралар бўлиб, биз яшаётган сайёра 5-Кўёш тизимида жойлашган.

Аждодларимиз кўёш, ой ва юлдузларнинг жойлашуви, ҳолати, ҳаракатланганини кузатиш, кўёш нурунинг ерга ҳамда бошқа самовий ёриткичларга таъсирини ўрганиш орқали астрономия илмига асос солганлар.

Демакки, астрономик кузатишнинг ҳисоб-китоблари, хулосаларига оид фанлар — математика, геометрия, тригонометрия, физика, астрология, космогония, геодезия каби фанларни, уларнинг илмий қонунари, формулалари ҳамда ҳисоб йўлларини кашф этганлар.

Кўйқирилганқалъадан топилган расадхонадаги тригонометрик-астрономик ҳисоб-китобларга асосланиб ишланган тасвирлар ҳамда икки айлана-сининг саккизга бўлингани худди Мисрдаги Дендер ибодатхонаси ёнидаги расадхонани эслатади. Бу икки топилма таққосланганда, улар айнан бир хил кўринишда ишлангани биланади. Ушбу маълумот «Буюк ипак йўли» пайдо бўлишдан анча аввал, «Ложувард йўли» даврида ҳам қадимги Хоразм ва Миср ўртасида яқин алоқа ва уларнинг тарихий тараққиёт даври бир-бирига жуда ўхшаш ва боғлиқ бўлганини кўрсатади. Қадимги Хоразм ва Мисрда расадхона усқуналари ҳамда кўёш календарининг айнан бир хил эканлиги фикримизнинг тасдиғидир.

IV аср бошларида Бобил ва Юнонистонда шундай астрономик кузатиш жойлари бўлган. Бу маълумот юртимизда расадхона ва календарнинг бўлиши «Тарих» қўлланмаларида энг қадимий дея аталадиган Миср билан тенг даврда, Бобил ва Грециядагидан деярли минг ярим йиллар олдин мавжуд бўлганини кўрсатади.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, қадимги Кўйқирилганқалъада фаолият олиб борган олимларнинг астрономик кузатиш натижалари бобилик олимларга, улар орқали юнон, рим, араб, хинд олимларига, сўнгра жаҳоннинг бошқа юртларида маълум бўлган.

Демакки, кўхна заминимиз жаҳон тамаддузининг илк бешикларидан бири бўлган, дея ишонч ва гурур билан айтишга ҳақимиз.

Самандар ИСМОИЛОВ,  
Халқ таълими аълочиси

### Реклама

Ташкилотлар ва корхоналар диққати! **КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ИИБ КЎЙДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

1. Лот №1-1. «Қарши шаҳар ИИБ маъмурий биноси ва ёрдамчи биноларининг том ва фасад қисмини капитал таъмирлаш». Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 273.463.610 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз 227.886.340 сўм, қурилиш муддати — 2 ой.

2. Лот №1-2. «Қарши шаҳар ИИБ маърифат зали биноси капитал таъмирлаш». Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 230.385.190 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз 191.987.660 сўм, қурилиш муддати — 2 ой.

3. Лот №1-3. «Қашқадарё вилоят ИИБ спорт зал ва ювенил хонасини капитал таъмирлаш». Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 146.765.730 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз 122.304.770 сўм, қурилиш муддати — 2 ой.

Буюртмачи: Қашқадарё вилоят ИИБ

Манзили: Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 47-уй. Телефон: (0-375) 227-17-09

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Лот №- ва Лот №1-2 давлат бюджети ва Лот №1-3 Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг махсус фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фойда миқдориди айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига; етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари қўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши қўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Қарши ш. Ҳ.Узбекистон қўчаси, 60-«А» уй. Тел./Факс: (0-375) 223-19-11, 223-27-33.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 90000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этилишининг охириги муддати оферталар очилиши кунини ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 47-уйда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

«Best realtor» МҲФ Фаргона минтақавий филиали томонидан «Ishonch» газетасининг 2016 йил 17-мартдаги 59(3720)-сонида чоп этилган хабарномадаги очик аукцион савдосига чиқарилган АТ «Халқ банки» Данғара филиалига тегишли, Данғара тумани, «Галаба» ҚФЙ, Намуна кўчаси, 39-уйда жойлашган «Тикувчилик цехи» биноиншоотларининг бошланғич баҳоси — 49 319 600 сўм деб ўқилиши.

Манзил: Фаргона шаҳар, Маърифат кўчаси, 21/1-уй. Телефон: (09895) 402-54-75. www.emulk.uz, best.fergana@inbox.uz. Лицензия. RR-0225.

ўқувчиси Элшодбек Қиличбеков 3-ўринга сазовор бўлди. 12 ёшли Муқаддас Ширмонбоева эса стол теннисидан туманда биринчилиكنи кўлга киритиб, энди вилоят беллашувларига тайёргарлик кўрмоқда. Собиқ ўқувчилардан Барҳаё Умарова ва Холида Холмуродова республика волейбол аёллар терма жамоасининг аъзоларига айланишди. Улар Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида имтиёзли тахсил олишмоқда.

Мақтабнинг волейболчи қизлар жамоаси тарихи салкам қирқ йилни ўз ичига олади. Уни ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бошида жисмоний тарбия ўқитувачиси Фанижон Турғунов ташкил этган эди. Агар ҳар уч-тўрт йилда таркиб алмашиши назарда тутилса, шу кунларда унинг сафида 13-авлод вақиллари фаолият юритишяпти.

— Волейбол — жону дилим, — деди у суҳбатимизда. — Шунинг учунми, ҳамманинг шу спорт тури билан шуғулланишини истайман. Мақтабда жамоа тузишга бошида кўп иккиланганмиз. Кейин эса тавakkал қилдик. Яқинда унинг ташкил топганига қирқ йил тўлади...

Фанижон ака пенсияга чиққанига қарамай, ҳамон жамоа мураббийи ҳисобланади. Халигача ёшларга бу спорт тури сирларини ўргатишдан чарчамайди. У неча йиллар аввал шуғулланган қизлар ҳозир она ва бувиларга айланишган. Айни вақтда мазкур таълим муассасасида 1-4, 5-6 ва 7-9-синфлар ўртасида тўққизта гуруҳ ишлаб турибди. Демак, шу тариқа ўринбосарлар тайёрланыпти.

7-синф ўқувчиси Зебо Фаниева мақтабга келибко тўғаракка аъзо бўлган эди. Ахир, волейболга қизиқиш она суги билан кирган-да! Онаси Гулбаҳор Зокирова узоқ йиллар бу спорт билан шуғулланган ва мақтаб, туман ҳамда вилоят терма жамоаларининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатган. Энди эса икки қизи волейболга ошно. Каттаси Гулираъно вилоят қизлар терма жамоаси аъзоси. Республика болалар ва ўсмирлар спорт мақтаблари ўртасида шу йил апрел ойида 2002 — 2003 йилларда тузилган қизлар ўртасида ўтказилган очик турнирда орасингиллар ўз жамоаси билан Андижон вилояти шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

— Мақтабга ёруғ юз билан қайтдик, — деди Зебо кўзлари

ёниб. — Ахир, биринчи ўринни эгалладик-да. Биз жамоанинг қизин тайёргарлиги устидан чиқдик. Шу кун Наманган вилоятининг Ўччи туманидаги 33-мактабнинг ўқувчи қизлар жамоаси ўртоқлик уршувига келиши кутилаётган экан. Беллашуви қизиқиш билан томоша қилдик. У дуранг натижа билан якунига етди. Дўстлик, саломатлик галаба қозонди!

## «УМИД НИҲОЛЛАРИ»ДАН БОШЛАНГАН ЙЎЛ

— Айни кунларда спортнинг ўн бешдан ортук тури бўйича бир минг тўққиз юзга яқин ўқувчи шуғулланыпти, — деди туман болалар ва ўсмирлар спорт мақтаби директорининг ўринбосари Нўмонжон Саидқуллов. — Шундан 500 дан ортиги қизлардир. Улар 141 та гуруҳга бўлиниб, мураббийлардан маҳорат сабоқларини олишяпти.

Бу жамоа эришаётган муваффақиятларга ҳавас қилса арзийди. Чунки, 2015 йилги республика ва халқаро мусобақаларда 13 та (еттита олтин, бешта кумуш, битта бронза) медалга сазовор бўлишди. Жорий йилдаги кўрсаткичлар эса янада қувонарли: республика миқёсида 33 та, халқаро беллашувларда иккита олтин медал соҳибига айландилар. Биринчи чоракнинг ўзида 112 нафар ўқувчи барча тоифадаги мусобақаларда иштирок этди. Балиқчи индустриал-педагогика коллежи 1-курс ўқувчиси Ҳавасбек Асадуллаев бокс бўйича Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирда ўз вази тоифасида биринчи ўринни эгаллади. Шу ўқув йилининг ўзидаёқ бир нафар халқаро тоифадаги, икки нафар спорт устаси тайёрланди. Саккиз ўқувчи спорт усталигига номзодлик мақомини қўлга киритди. 374 нафар I, II ва III тоифали ёш спортчилар етишиб чиқди.

Ешларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратиб берилмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тумандаги 44 та мақтабда спорт заллари бунёд этилди. Яна биттасида қурилиш жадал сурьатда олиб бориляпти. Иккита V тип спорт мажмуаси фао-

лият кўрсатмоқда. Туман болалар ва ўсмирлар спорт мақтаби эса 2 миллиард 680 миллион сўм маблағ эвазига реконструкция қилинаётди. Буларнинг барчаси болаларнинг соғлом, баркамол вояга етишига қаратилгани кишида фахр уйғотади. Балиқчилик ёш спортчилар буни ҳис этган ҳолда изланмоқдалар. Оғир атлетикачи, беш карра Ўзбекистон чемпиони, мамлакат терма жамоаси аъзоси Муаттар Фаниева бу ҳақда шундай деди:

— Ҳамма йўл Олимпиадага олиб боради», дейишяпти улар. Мақтабимизнинг оғир атлетикачи қизлари айни пайтда 2018 йилда Аргентинада бўлиб ўтадиган ўсмирлар III Олимпия ўйинларига жиддий тайёргарлик кўришмоқда. Биз, албатта, бу нуфузли мусобақаларга ўз вақиларимизни юборамиз ва Ўзбекистоннинг бахтли болалари ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир карра бутун дунёга кўрсатамиз...

Дарҳақиқат, 2015 йилнинг 29 октябр — 2 ноябр кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган саралаш баҳсларида Мушарраф Мадаминова (1-мақтаб, 9-синф) ва Лайло Расуллова (34-мақтаб, 8-синф) олтин медални кўлга киритишди. Энди уларнинг уммон ортига бориш имконияти янада ортди. Муаттарнинг ўзи эса Бразилиянинг Рио де Жанейро шаҳрида XXXI ёзги Олимпия ўйинларига ўйланма олиш ҳуқуқини берувчи жаҳон чемпионатида иштирок этди.


### Балиқчи туманида шунақа гаплар...

Ота-оналар, болалар, устозу мураббийлар жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш орқали ўз саломатлигини яхшилашга интиломоқдалар. Спорт билан бир умрга дўстлашган ўсмир ёшлар эса жаҳон ареналирига куз тикишаётди. Улар эрта-индин эришадиган натижалар мустақил Ўзбекистон галабалари шодасига яна битта дур бўлиб қўшилишига имонимиз комил.

Нажмиддин ЭРҒАШЕВ,  
журналист,  
Андижон вилояти

# ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

## Ҳам мусобақа, ҳам саёҳат



(1). Мусобақалар жараёнида иштирокчилар шахмат, шашка, стол тенниси бўйича куч синашди. Она ва болаларнинг биргаликдаги ҳаракатлари эса тезлик, эпчиллик, моҳир ҳужумчи, бир жамоа эстафеталарида янада ҳаяжонли кечди. Шунингдек, «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида вилоят марказидаги Абу Али Ибн Сино фавворалар майдонида қизқарли машғулотлар бўлиб ўтди. «Олам — болалар нигоҳида» шiori остида уюштирилган тадбирда ўғил-қизлар расм чизиш ботида маҳоратларини намойиш этдилар. Шу билан бирга, улар кўнгилчоқ театри чиқишларини мириқиб томоша қилишди.

Тадбир қатнашчиларнинг қадимий Бухоронинг тарихий ёдгорлигари — Арк кўргони, Лаби Ҳовуз мажмуаси, Ситораи Моҳи Хоса, Минораи Калон обидалари, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи, мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоот-

лар бўлиб сафарлари таассуротларга бой бўлди. Пировардида, «Турон» масканида оилавий мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ҳақамларнинг яқини қарорига кўра Самарқанд вилояти жамоаси вакиллари — Юлдузой Санаева ва Сайёра Бобашева оилалари биринчи, навоийлик Нарғиза Ражабова ва Махбуба Бисанова оилалари иккинчи, Жижзах вилоятидан Нилуфар Бозорова ва Санобар Норбекова ҳамда «Тошкент» жамоасининг Дилфуза Шомансурова ва Шаҳноза Фафурова оилалари учинчи ўринни эгалладилар. Шунингдек, «Энг интизомли оила», «Энг лобар жамоа», «Энг қувноқ жамоа», «Энг аҳил жамоа», «Ғалабага интилувчан жамоа» номинациялари ғолиблари аниқланди. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ва қimmatбахо совгалари билан тақдирланди.

Иззатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

### ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИНИНГ ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ» V РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, ижобий ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишлари, барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган техник ва технологик янгиланиш ҳамда модернизация жараёнлари, қабул қилинган давлат дастурларининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва қадр-қimmatини кенг жамоатчиликка etkazish, бу борада амалга оширилаётган ишлар тарихига муносиб ҳисса қўшиш, шунингдек, инсон манфаатларини таъминлаш йўналишидаги ишларни кенг ёритишга муносиб ҳисса қўшаётган ОАВ ходимларини рағбатлантириш мақсадида журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» V Республика танлови ташкил этилган.

Мазкур танловга 2015 йилнинг 1 июнидан 2016 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда chop этилган, радио орқали эфирга узатилган, телевидениеда намойиш этилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2016 йилнинг 10 июнигача қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган журналистик материалларда мустақиллик йилларида диёримизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ривожлантириш, халқимиз турмуши фаровонлигини юксалтириш, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш, юртимиздаги тинчлик ва оқойишталик барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий, маънавий ва маърифий соҳаларда энг юқори натижаларга эришиш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг, аввало, инсон манфаатларига йўналтирилганлиги чуқур таҳлил орқали очиб берилиши лозим. Материалларда хусусан, қўйидаги масалалар ёритилганлигига эътибор қаратиш зарур:

- ▶ демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, шу жумладан, муносиб меҳнат, дам олиш, ўз салоҳиятларини рўйбга чиқариш каби қонуний манфаатлари ҳимояси;
- ▶ жамоатчилик назорати;
- ▶ давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ижтимоий шериклик асосида инсон манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари уйғунлиги;
- ▶ касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклик асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги фаолият йўналишлари;
- ▶ маданий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш;
- ▶ ҳомийлик ҳамда хайрия ишлари ва бошқалар.

Танлов ғолиблари оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича аниқланади:

▶ Босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши журналистик материал (газета ва журналлар — 1, 2, 3-ўринлар);

▶ Электрон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши журналистик материал (телевидение, радио, интернет журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Шунингдек, ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича учтадан рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этилган.

Танлов ғолиблари ва рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан диплом ҳамда қimmatбахо совгалар билан тақдирланадилар.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар 5 тадан кам бўлмаслиги керак.

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши лозим.

Радиоэшитиришлар 5 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши зарур. Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова этилиши зарур:

- ▶ муаллиф ва унинг иш жойи, журналистик фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- ▶ муаллиф паспорти нусхаси;
- ▶ муаллиф манзили ва боғлиқ телефонлари.

Танлов ғолибларини муқофотлаш тадбири Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни арафасида тантанали равишда ўтказилади.

Материаллар «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, 4-қават, 3-хона. Телефонлар: 256-52-79; 252-21-18. E-mail: pressa@kasaba.uz

Молия муассасаларида

## Бошланғич сармоя мақсадлар томон етаклайди



Халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодий-ётимизни ҳар томонлама тараққий эттириш борасидаги ишлар кўлами йил сайин кенгаймоқда. Албатта, бу жараёнда банк муассасалари томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам ижобий самара бераётир.

Мижоз ва банк ўртасида соғлом муҳитни шакллантириш, тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, янгидан-янги замонавий банк хизматларини жорий этиш шулар жумласидандир.

Республикамизнинг етакчи банкларида бири «Агробанк» АТБ миқозлари сони муттасил ортиб бораётгани бежиз эмас. Банк турли тадбиркорлик субъектлари, яъни ишбилармон-тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий томондан қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнес, хотин-қизлар ва қасб-хўна коллежи битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш ҳамда уларнинг бизнес ишланмаларини ҳаётга татбиқ этишда яқиндан кўмакчи бўлаётир.

Чунинчи, «Агробанк»нинг Наманган вилоят бошқармаси ва филиаллари ҳам бу борада самарали фаолият кўрсатиб, халқ фаровонлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ажратилаётган маблағлар туфайли худудлар ободонлашиб, қолаверса, жойларда замонавий ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлаши юрғундир. Шунингдек, яратилаётган мингларча янги иш ўринлари қанчадан-қанча оилаларга фаровонлик улашаётгани барчамизни қувонтиради.

— Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодий-ётимизни шакллантирувчи асосий куч ҳисобланади. Шу боис ҳукуматимиз томонидан соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада тижорат банкларининг қўшаётган ҳиссаси таҳсинга лойиқ, — дейди «Одина Ҳақима Жасур» хусусий корхонаси раҳбари Ҳақима Давлатова. — Кунгабоқар мойи ишлаб чиқариш учун технология сотиб олиш мақсадида бизнес-режа ишлаб чиқиб, «Агробанк» АТБ Учқўрғон филиалининг кредит комиссиясига тақ-

дим этдик. Бу борада банк мутахассислари бизга амалий кўмак беришди. Натижада, филиал томонидан 305 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Ҳозирда корхонада кунига 6 тонна маҳсулотни қайта ишлаб чиқарилиб, 4 тонна кунгабоқар мой тайёрланмоқда.

Бугунги кунда корхона туман аҳолисининг кунгабоқар мойига бўлган талабини қондиришда ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Бу ерда 4 киши доимий иш билан таъминланган. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириш орқали қўшимча янги иш ўринлари очилиши режалаштирганмиз. — Мамлакатимизда хотин-қизларга ҳар томонлама кўмак ва ғамхўрлик кўрсатилаётир. Айниқса, тадбиркор аёлларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашда банклар яқин ҳамкорликда иш олиб бораётир. Косонсой шаҳрида тикувчилик ривожига ўз ҳиссамизни қўшиб ҳамда аҳолини доимий иш билан таъминлаш мақсадида жамиятимиз томонидан бизнес-режа ишлаб чиқиб, «Агробанк» АТБ Косонсой филиалининг кредит комиссиясига тақдим этгандик, — дейди Косонсой туманидаги «SHERATON INDUSTRY» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шерали Жўраев. — Тикувчиликни ривожлантириш ва тикув машиналарини сотиб олишга қаратилган тижорат лойиҳам «Агробанк»нинг Косонсой филиали томонидан ижобий баҳоланиб, филиал кредит комиссияси томонидан 280 миллион сўм миқдорда тикувчилик дастгоҳлари сотиб олиш учун кредит маблағи ажратилди. Натижада, 20 та янги иш ўрни яратилди. Биргина оиланинг моддий фаровонлигини таъминлаш қанчалик машаққатли эканини ким билмайди дейсиз? Шунинг билан бирга, юртимизда тадбиркорлар ўзларига кўрсатилаётган эътибордан руҳланиб, кенг қўламадаги ишларини амалга оширмоқда. Корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот-



ларнинг харидориги бўлишида жамоамиз билан ҳамжиҳатликда олиб бораётган саъй-ҳаракатимиз кўп келяпти. Бу эса даромадимиз ортishiга ҳам замин яратмоқда.

Норин туманида аҳолининг куз-қиш мавсумида иссиқхонада етиштирилган лимон, помидор, бодиринг ва қўқатларга бўлган эҳтиёжини қондириш ниятида ихчам иссиқхона қуриш учун бизнес-режа тузиб, «Агробанк» АТБ Норин филиалининг кредит комиссиясига тақдим этдик, — дейди Норин туманидаги «Жамшидбек Кўзибой ўғли» фермер хўжалиги раҳбари Анвар Умаров. — Оилавий тадбиркорликда хонадон аъзоларидан ҳар бирининг қизиқиши, имконияти, эҳтиёжи ҳисобга олиниши зарур. Бу эса фаолиятини янада кенгайтиришга, қолаверса, меҳнатингиз самарасига ҳам ижобий таъсир этади. Шуларни назарда тутган ҳолда, иссиқхона қуриш ва уни ривожлантириш мақсадида «Агробанк» АТБ Норин филиалидан бизнес лойиҳамизга асосан 50 миллион сўм кредит маблағи олдик. Натижада, 4 та янги иш ўрни ҳам яратилди. Бугун рўзгоримиз бут, дастурхонимиз тўқин, турмушимиз фаровон. Буларнинг барчаси юртимизда тадбиркорлик фаолиятига берилаётган имконият ва қўлайликлар самарасидир.

Хулоса қилиб айтганда, халқ фаровонлиги фаолият мезонига айланган «Агробанк» жамоаси иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, миқозларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини кенгайтириш йўлида фаол иш олиб бормоқда. Бу эса белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамияти касб этаётир.

Нарзўлла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири. Хизматлар лицензияланган.

Касаба уюшма сиҳаттоҳларида



## Эъзоз ифодаси

Навоий вилоятининг Октоғ ён-бағрида жойлашган «Олтинсар» санаторийи табиати ва минералларга бой иссиқ суви билан юрғунларимизга манзур бўлмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидаги Санатор-курортлар бошқармасига қарашли ушбу сиҳаттоҳда қўллаб меҳнаткашлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, нуруний отахон онахонлар мароқли дам олиб, турли касалликлардан фориғ бўлишмоқда. 2009 йилда ўз фаолиятини бошлаган санаторийда фойдаланувчилар учун барча қўлайлик мавжуд.

— Сиҳаттоҳимиз 94 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда асосан асаб тизими, гинекологик, нафас тизими ҳамда таянч-ҳаракат тизими касалликлари даволанади, — дейди даволаш ишлари мудири Тош-

пўлат Бозоров. — Беморлар юқори малакали шифокорлар назоратида. Шунингдек, дам олувчилар учун доимий равишда маънавий-маданий тадбирлар ташкил этиб турилади. Бадий дастурлар, учрашувлар орқали даволанувчилар вақтини янада мазмунли ўтказишга ҳаракат қиламиз. Ўтган йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгиланган чора-тадбирлар дастурига муювфик қўллаб фахрийлар сиҳаттоҳимизда бепул йўланмалар орқали дам олиб кетишди. Ушбу хайрли иш жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Яқинда Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан санаторий томонидан уч нафар фахрийга бепул йўланма берилди.

— Қадр деган тушунчанинг мазмун-моҳияти жуда чуқур. Бунинг ўз вақтида кўп

қийинчилик кўрган ва бугун мустақил Ватанимизда яратиб берилаётган кечки имкониятларнинг гувоҳи бўлаётган катта ёшдаги юрғунларимиз яхши англашди. Айниқса, биз кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборга таъриф йўқ. Мана, бепул йўланма орқали шундай аjoyиб бир масканда дам олялман. «Отахон, байрам муносабати билан сизга бепул йўланма берамиз, келиб бир дам олиб, соғлигингизни тиклаб кетинг» дейишганда беихтиёр кўнглим нурга тўлди. Илоҳим тинч ва осуда кунларимизга ҳеч қачон кўз темгасин, — дейди Омонкул Элбоев.

Санаторий бош шифокори Неъмат Сувоновнинг таъкидлашича, даволанаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, кекса онахонлар учун доимий равишда юртимизнинг турли худудларидаги қадамжоларга саёҳатлар ташкил этиб турилади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда кексаларга бўлган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Руслан САБУРОВ, «Ishonch» мухбири. Жумамурот МИРЗАЕВ олган сурат.

**MUASSIS:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**  
Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:**  
Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Tosh

**BO'LIMLAR:**  
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-davriye.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Satuvda erkin norxda.

**HUQUDLARDAGI MUXBIRLAR:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 313-84-87  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:**  
A.Toshev

**Navbatchi:**  
D.Oripov  
**Musahhih:**  
S.Shodiyeva

**Sahifalovchi:**  
H.Abdullilov

Boshiga topshirish vaqti: **22:15**  
Topshirish: **22:40**

1 2 4 5 6

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**

**Korxonalar manzili:**  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**

Gazeta o'fset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi 2 boshma tabaq.  
Bosma forma — 515.  
20734 nusxada bosiladi.  
Nashr ko'rsatkichi: 133